

Oriental Journal of Education



SOME ASPECTS OF THE SCO FACTOR IN THE SYSTEM OF COMPLEX INTERDEPENDENCE OF CENTRAL ASIAN SECURITY

Saodat Fatkhullaevna Ubaydullaeva

doctor of political sciences, associate professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: sadulya75@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: security, region, cooperation, SCO, foreign policy, threat

Received: 20.04.24

Accepted: 22.04.24

Published: 24.04.24

Abstract: The article examines some features of relations with international organizations, among various mechanisms of cooperation in the formation of the regional security complex system in Central Asia. In particular, the cooperation of the countries of the region with the Shanghai Cooperation Organization and its role in the region are revealed. The member states of the organization are taking practical measures to ensure regional security together. The article shows the positive aspects of such cooperation for Central Asian countries.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАВФСИЗЛИГИ КОМПЛЕКС ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК ТИЗИМИДА ШХТ ОМИЛИНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Саодат Фатхуллаевна Убайдуллаева

сиёсий фанлар доктори, доцент

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: sadulya75@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: хавфсизлик, минтақа, ҳамкорлик, ШХТ, ташқи сиёсат, таҳдид

Аннотация. Мақолада Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик комплекси тизимини шакллантиришда ҳамкорликнинг турли механизмлари қаторида халқаро ташкилотлар билан алоқаларнинг айрим хусусиятлари ўрганилган. Жумладан, минтақа давлатларининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорлиги, ҳамда унинг минтақадаги роли очиқ берилган. Ташкилотга аъзо давлатлар биргаликда минтақавий

хавфсизликни таъминлаш учун амалий чоралар кўришмоқда. Мақолада бундай ҳамкорликнинг Марказий Осиё давлатлари учун ижобий томонлари кўрсатиб берилган.

НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ ФАКТОРА ШОС В СИСТЕМЕ КОМПЛЕКСНОЙ ВЗАИМОЗАВИСИМОСТИ БЕЗОПАСНОСТИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Саодат Фатхуллагаева Убайдуллаева.

доктор политических наук, доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: sadulya75@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: безопасность, регион, сотрудничество, ШОС, внешняя политика, угроза

Аннотация: В статье рассматриваются некоторые особенности отношений с международными организациями, различные механизмы сотрудничества в формировании комплексной системы региональной безопасности в Центральной Азии. В частности, раскрыто сотрудничество стран региона с Шанхайской организацией сотрудничества и ее роль в регионе. Государства-члены организации совместно принимают практические меры по обеспечению региональной безопасности. В статье показаны положительные стороны такого сотрудничества для стран Центральной Азии.

КИРИШ

Минтақавий хавфсизлик комплекси тизимини шакллантиришда жаҳоннинг турли минтақаларида фаол қўлланилаётган кўп томонлама ташқи сиёсат муҳим ўрин тутди. Халқаро ташкилотлар билан кўп томонлама ҳамкорлик формати Марказий Осиё давлатлари учун ташқи сиёсий фаолиятнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бундай ҳамкорлик доирасида асосий эътибор Марказий Осиёда изчил ривожланиш ва барқарорликка салбий таъсир этувчи таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилади.

Шу билан бирга, минтақадаги ҳар бир мамлакат ўз хавфсизлигини миллий хавфсизлик тизимига таяниб ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш орқали таъминлайди.

Бугунга келиб минтақа давлатлари ўртасида алоқаларнинг ривожланиб бораётгани, йирик иқтисодий лойиҳалар амалга оширила бошлагани, транспорт йўлаклари такомиллашаётгани Афғонистон тарафдан кутилаётган хавф-хатарни бартараф этишга, ушбу давлатни Марказий Осиёдаги иқтисодий лойиҳаларга жалб қилиш имкониятларини оширишга имкон бериши билан бирга, айтилиши вақтда терроризм, диний экстремизм, ахборот

экстремизмининг янги шакллари пайдо бўлишига олиб келмоқда. Шу боис Марказий Осиё давлатларининг минтақада хавфсизликни таъминлаш бўйича ўзаро ва дунёнинг ривожланган давлатлари билан алоқаларига доир илмий-амалий тадқиқотларни кучайтириш зарурати ошиб бормоқда.

АСОСИЙ ҚИСМ

Марказий Осиё ҳудудида яшовчи халқлар тарихининг умумийлиги, маданияти, анъана ва тилларининг яқинлиги ҳамда динининг бирлиги минтақадаги давлатлараро муносабатлар учун мустаҳкам база ва минтақавий ҳамкорликнинг барча муҳим йўналишлари учун асосдир. Бу масалалар минтақа давлатлари раҳбарларининг икки ва кўп томонлама учрашувларидаги музокараларнинг асосий мавзуини ташкил қилади. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 2017–2023 йилларда ўтказилган кўплаб икки томонлама музокаралари, шунингдек БМТ, ШХТ, МДХ ва бошқа ташкилотларда ўтказилган кўп томонлама анжуманлар доирасидаги учрашувларининг кун тартибида муҳокамага қўйилган масалалар юқоридаги фикрларни тасдиқловчи яққол далиллардир.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё хорижий давлатларга минтақада катта миқдорда табиий ресурслар захираси мавжудлиги билан қизиқарлидир. Масалан, минтақадаги табиий газ захираси МДХ газ захираларининг 13,2 % ини ва жаҳондаги газ захираларининг 4 % ини ташкил этади [1]. Минтақадаги нефть захираси жаҳондаги бутун нефть захираларининг 3,5 % ини ташкил қилади [2]. Шу боис ёнилғи-энергетика ресурслари ва уларни ташиш йўллари устидан назорат ўрнатилиши бутун минтақадаги вазиятни назорат қилиш имконини беради. АҚШнинг “Стратфор” хусусий разведка-таҳлил компанияси экспертларининг таъкидлашича, “Марказий Осиё энергетика ресурсларини ким қўлга киритса, пировардида бу минтақани ўша назорат қилади” [3]. Ф. Старрнинг фикрича, Марказий Осиёнинг аҳамияти шундаки, у бутун атрофи Ҳиндистон, Хитой, Россия, Покистон, Эрон ва Туркия каби ядровий давлатлар билан ўралган дунёдаги ягона минтақа ҳисобланади.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатдаги барча асосий шериклари билан стратегик ҳамкорликни кучайтирмоқда. Экспертларнинг фикрича, стратегик шериклик — биргаликдаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ташкилий тузилма ҳолига келтиришдан иборат [4].

Марказий Осиё давлатларининг минтақавий ҳамкорликка интилиши ўзига хос жиҳатга эга бўлиб, бу хусусият географик, тарихий, этномаданий, сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий асос ва шарт-шароитлар билан боғлиқ. Минтақа давлатлари таҳдид ва хатарларнинг хусусиятини англаб етган ҳолда ўз стратегияларини объектив вазиятдан келиб чиқиб тузишмоқда; минтақавий хавфсизлик тизимини эса ўзаро ишонч, оқилона ёндашув, ошкоралик принциплари асосида яратишмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари ҳудудида бир қанча халқаро ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири – Шанхай ҳамкорлик ташкилоти.

ШХТ га аъзо мамлакатлар аҳолисининг умумий сони 3 миллиарддан ортиқ бўлиб, дун аҳолисининг қарийб ярмини ташкил этади. ШХТ мамлакатларининг умумий ЯИМ 23 триллион АҚШ долларидан ёки жаҳон ЯИМ ининг тўртдан бир қисмини таашкил этади [5].

Евросиё майдонида барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш ШХТ фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ташкилот олдида турган бошқа асосий вазифалар қуйидагилардан иборат: халқаро террорчилик ташкилотларининг одам ёллаш фаолиятига қарши курашиш, халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ёлланган шахсларнинг чет эллардаги қуролли низоларда қатнашиш учун ўтиш йўлларини тўсиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш; қайтаётган жангариларни аниқлаш ва энг аввало, ёшлар орасида экстремистик ғояларнинг тарқатилишига қарши биргаликда курашиш.

Шундай ҳолатда ШХТга аъзо давлатлар биргаликда минтақавий хавфсизликни таъминлаш учун амалий чоралар кўришмоқда. Бунинг Марказий Осиё давлатлари учун ижобий томони шундаки, ШХТ минтақада терроризм, экстремизм, радикализм кўринишларини бартараф этиш, трансчегаравий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, шунингдек минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда Афғонистондаги вазиятни юмшатишга доир қараш ва ёндашувларини баён этиш учун кафолатланган майдон бўлиб хизмат қилади.

Масалан, Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёев 2021 йил 18 сентябрда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг йиғилишида сўзлаган нутқида республиканинг Ташкилот доирасида Афғонистон масалари бўйича асосий ёндашувлари қандай эканлигини аниқ баён қилиб берди. Хусусан, Ўзбекистон Афғонистондаги вазият бўйича ўзаро келишилган ёндашувлар ишлаб чиқиш ҳамда Афғонистоннинг янги ҳукумати билан музокара олиб бориш зарурлигини таъкидлади. Бироқ ШХТ доирасида “Толибон” ҳаракати билан бевосита алоқа йўқ. Айрим ШХТ давлатлари Афғонистон билан икки томонлама алоқа олиб боришмоқда. Чунки ташкилот аъзоларининг ҳаммаси ҳам Афғонистоннинг янги ҳукуматини тан олганича йўқ.

Юқоридаги таклифларнинг амалга оширилиши Марказий Осиёда экстремизмнинг ва радикал мафкура экспортининг авж олиши, Афғонистон ҳудудидан кўшни давлатларга қўпоровчилик ҳаракатларини амалга ошириш учун фойдаланилиши ҳамда бу мамлакатдан минтақа давлатларига қочқинлар оқими ортиб кетиши эҳтимолини бартараф этиш учун зарур. Шунингдек, Афғонистонда гуманитар танглик авж олиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида бу мамлакатнинг хорижий банклардаги давлат активларини очиш масаласини халқаро ҳамжамият билан бирга ўрганиш ҳам муҳим. Ўзбекистон Президенти Афғонистондаги

вазиятни юмшатиш учун кузатувчи давлатлар ва музокара бўйича шерикларни жалб этган ҳолда “ШХТ—Афғонистон” форматида ташкил этиладиган олий даражадаги учрашувларни мунтазам равишда ўтказиб туришни таклиф қилди [6].

“ШХТ—Афғонистон” алоқа гуруҳи Афғонистондаги харбий-сиёсий вазият, унинг Марказий Осиёдаги минтақавий хавфсизликка эҳтимол тутилаётган таъсири масалалари бўйича музокаралар олиб бориш учун муҳим минбар бўлиб хизмат қилади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ўзбекистонга ХХР, Россия ва Ҳиндистон каби қудратли давлатлар билан халқаро ҳамда минақавий сиёсатга доир кенг доирадаги масалалар бўйича тенг ҳуқуқли сиёсий мулоқот олиб бориш ва фикр алмашиш имконини беради. ШХТ Ўзбекистон учун терроризм, экстремизм, сепаратизм, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда ўзаро фойдали савдо-иқтисодий, транспорт ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш соҳаларида ҳар томонлама муносабатларни йўлга қўйиш механизми ва амалий мулоқот майдони бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Ташкилотнинг норматив-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш ҳамда унинг доирасида амалий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қатор муҳим ташаббусларни таклиф қилди. Ўзбекистоннинг таклифларига мувофиқ, янги ҳамкорлик майдонлари — ШХТнинг Ўзбекистондаги халқ дипломатияси маркази, Самарқандда “Ипак йўли” халқаро туризм университети — очилди.

ШХТ Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатлари ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик механизми, очиқ ва амалий мулоқотлар олиб бориш учун майдон ҳамда турли йўналишларда шерикчиликни ривожлантириш воситасидир.

Воқеалар ривожини ижобий кечган тақдирда ШХТда Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг иштирок этиши ушбу ташкилотда бир-бирини тўлдириш муҳитини яратиши, ички минтақавий кооперацияни тезлаштириши ҳамда таҳдид ва хатарларнинг даф қилинишида ёрдам бериши мумкин [7].

ШХТга аъзо давлатлар ҳудудларида терроризм, экстремизм, наркоэкспансия ва бошқа хавф-хатарлар кучайгани сабабли ушбу минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш чораларини кўриш Ташкилотнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Ана шу мақсадда 2002 йилда ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси таъсис этилди. Унинг қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлаштирилди.

Ўтган давр ичида ШХТ доирасида салмоқли шартномавий-ҳуқуқий база яратилди. Бунинг учун Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома (2007 й.), Терроризмга қарши конвенция (2009 й.), ШХТ тартиб-таомиллари қоидалари (2010

й.), ШХТга янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисида низом (2010 й.), ШХТни 2015 йилга қадар ривожлантириш стратегияси (2015 й.) ва бошқа халқаро ҳужжатлар қабул қилинди.

2017 йилда Ҳиндистон билан Покистонга Ташкилот аъзоси бўлган давлат мақомининг берилиши ШХТ тарихида янги даврни бошлаб берди. Евросиё худудининг 60 фоизини эгаллаб турган ШХТ ҳозирги таркибда ўзини тўлақонли халқаро тузилма сифатида намоён этмоқда. Ташкилотнинг трансмиллий таҳдидларга қарши биргаликда курашиш имконияти ҳам тобора ошиб бормоқда.

Шунингдек, ШХТ доирасида йилига икки мартаба қўшма аксилтеррор ҳарбий машқлар ўтказилиши йўлга қўйилган. 2021 йил сентябрь охи ҳолатига кўра 14 мартаба ҳарбий машқлар ўтказилиб, Россияда бўлиб ўтган сўнгги — “Тинчлик миссияси — 2021” [8] ҳарбий машқларида ШХТга аъзо мамлакатлар (Россия, Хитой, Ҳиндистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон ва Ўзбекистон)дан қарийб 5,5 минг нафар ҳарбий хизматчи ҳамда 1200 та ҳарбий техника иштирок этган.

ХУЛОСА

ШХТ иштирокчиси бўлган айрим давлатлар сиёсатининг таҳлили ушбу босқичда Ташкилот бу давлатларнинг миллий манфаатларини кучайтириш учун замин бўлиб хизмат қилаётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, кўп томонлама форматдаги ҳамкорлик Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик бўйича комплекс ўзаро боғлиқлик тизимини мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда. Бугунги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, очиқ ва амалий мулоқотлар олиб бориш учун майдон ҳамда турли йўналишларда шерикчиликни ривожлантириш воситасидир. Бунинг Марказий Осиё давлатлари учун ижобий томони шундаки, ШХТ минтақада терроризм, экстремизм, радикализм кўринишларини бартараф этиш, трансчегаравий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, шунингдек минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда Афғонистондаги вазиятни юмшатишга доир қараш ва ёндашувларини баён этиш учун кафолатланган майдон бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Госкомстат СНГ. — Survey of Energy Resources. — 15.07.2008. — URL: <http://cisstat.org/rus/biblio-cis-list>
2. *Малышева Д.Б.* Шанхайская организация сотрудничества и проблемы безопасности в Азии // Россия и новые государства Евразии. — 2020. — № 4. — С. 25–36. https://www.imemo.ru/files/File/magazines/rossia_i_novay/2020_04/8.MALYCHEVA.pdf.
3. China: Central Asian Rumbles // Stratfor. — 2007. — Aug. 31.

4. *Wilkins T.* Russo–Chinese Strategic Partnership: A New Form of Security Cooperation? // Contemporary Security Policy. — 2008. — № 29. — P. 363.

5. Шанхайская Организация сотрудничества в цифрах. 16.09.2022. — URL: <https://news.rambler.ru/world/49350821-shanhayskaya-organizatsiya-sotrudnichestva-v-tsifrah/> — URL:

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқи. 18.09.2021. — URL: <https://president.uz/uz/lists/view/4622>

7. *Малышева Д.Б.* Шанхайская организация сотрудничества и проблемы безопасности в Азии // Россия и новые государства Евразии. — 2020. — № 4. — С. 25–36. https://www.imemo.ru/files/File/magazines/rossia_i_novay/2020_04/8.malycheva.pdf.

8. В России завершились совместные антитеррористические военные учения стран ШОС “Мирная миссия — 2021”. — URL: http://russian.news.cn/2021-09/25/c_1310207894.htm